

12. Қайыпбергенов Т. Қарақалпақ дәстаны 3-том. –Нөкис: «Қарақалпақстан», 1979.
13. Каримов К. «Ағабий» I-IV. тарийхый роман. –Үргениш: «Хорезм», 2016. –Нөкис «Билим», 2017.
14. Каримов К. «Дәрўиш», Тарийхый роман. –Нөкис: 2019.
15. Нысанов М. «Дәрбәдар», Роман. –Нөкис: 2020.
16. Қарақалпақ фольклоры. Көп томлык, 9-13-томлар. –Ташкент: «Маънавият», 2009.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада халқнинг ўтмиши, маданияти, миллий қадриятларимиз, бир қанча тарихий даврларни бошидан кечириб, халқ билан бирга яшаб келаётган, моддий маданиятининг бир тури бўлган кийим-кечакларнинг бир тури бўлган устки кийим атамалари лингвистик жиҳатдан таҳлил қилинди. Бунда устки кийимлари атамаларининг қалин турлари: тўн, пўстин, ичук, чакмон, чопон, пальто, пухта, плащ ва ҳ.к. ҳақида сўз юритилади. Уларнинг номланиши, қўлланилиши, айниқса, унутилиб бораётган эски кийим атамалари ва ўзлаштирилган кийим атамаларининг лексик қатламдаги ўрни очиқ берилди.

РЕЗЮМЕ

В данной статье ведётся лингвистический анализ названий предметов верхней одежды как одного из видов материальной культуры каракалпакского народа, переживших несколько исторических эпох и дошедших до наших дней. В статье говорится о теплых верхних видах одежды, таких как тун, пўстин, ичук, чакмон, чапан, пальто, шу-ба, плащ и т.п. Раскрывается лексическое значение давно забытых названий верхней одежды, их заимствование, употребление и место в лексическом пласте языка.

SUMMARY

This article provides a linguistic analysis of the names of outerwear items as one of the types of material culture of the Karakalpak people that have survived several historical eras and have come down to our days. The article talks about warm outerwear such as tun, pustin, ichuk, chakmon, chapan, coat, fur coat, raincoat, etc. The lexical meaning of the long forgotten names of outerwear, are revealed their borrowing, use and place in the lexical layer of the language.

Адебиётдан

АДАБИЁТЛАРНИНГ ЎЗARO АЛОҚADORЛИГИ ВА БИР-БИРИГА ТАЪСИРИ

Ш.Ж.Алдашева – филология фанлари бўйича фалсафа доктори
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: шеърят, шоир, ёзувчи, жаҳон адабиёти, лирика, ғазал, рубоийлар, сонет, поэма, рубоий, фард.

Ключевые слова: поэзия, поэт, писатель, мировая литература, лирика, газель, рубай, сонет, стихотворение, рубай, фард.

Key words: poetry, poet, writer, world literature, lyric, ghazal, rubai, sonnet, poem, rubai, fard.

Халқимиз маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган шеърят эзгу мақсадларга қаратилганлиги ва ўзига хос хусусиятларга эгалиги билан ажралиб туради. Чунки, «...инсоннинг қалби, унинг дарду ташвишларини, халқнинг орзу-ниятларини, Ватанга муҳаббат ва содиқлик ҳиссиётларини акс эттирувчи бетакрор сўз» [1:4] бўлган бадиий адабиётнинг дунёни, инсонни билишнинг муҳташам ойнаси, шунингдек, бугунги кунда мамлакатимиз стратегик дастурларининг бири ҳисобланган юксак маънавиятга, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашнинг муҳим воситаси эканлиги яна ҳам ойдинлашди.

«Ҳар бир халқ тарихида беназр шахслар бўлади. Улар ижодкор ёки олим, давлат арбоби, ёхуд бошқа бир соҳанинг машҳур кишилари бўлиши мумкин. Бундай сиймолар буюк хизматлари туфайли ўз халқи тарихида сўнмас из қолдиради, номи асрлардан асрларга ўтиб қадрланади. Одатда бундай инсонлар шоир ёки ёзувчи, ё олим бўлади. Ўзбек адабиётида Навоий, туркман адабиётида Махтумқули, қозоқ адабиётида Абай, қорақалпоқ адабиётида Ажиниёз, Бердақ ва бошқалар шундай ҳурматга лойиқ сўз санъаткорларидир. Улар нафақат ўзлари мансуб адабиётга, жаҳон адабиёти тарихига ҳам ҳисса қўшган шоирлар.

XIX аср қорақалпоқ адабиётининг йирик сиймоларидан бири Ажиниёз Қўсибой ўғли шундай истеъдод соҳибларидан бири. Унинг номи ва асарлари туркий адабиётларда алоҳида ҳурматга сазовор.

Ажиниёз ўз асарларида умуминсоний ғояларни қуйлагани учун ҳам туркий халқлар шеърятини муҳлислари-га қадрли» [2:93-94]. «Қорақалпоғистон халқ шоири, Бердақ номидаги Давлат мукофоти совриндори, таниқли жамоат арбоби Гулистон Матёкубова шундай ёзади:

*Айт, сен Ажиниёз қўшиқларин деб,
Ибройим озанинг шеърлари янграр,
“Менинг йигит, сенинг қиз вақтларинг” деб,
Оқариб, ярқираб оқади тонлар.
Тўмарис чиққандай кенгликлар аро,*

*Қора сочларини елкага ёзиб,
Бердақ нафасидан кўқарар саҳро,
Минг йиллик қўмларга бахтини ёзиб* [3:54-55].

Бандларда қорақалпоқ адабиётининг атоқли сўз усталари Ажиниёз ва И.Юсуповнинг номдор асарлари мисолида ҳақиқий ижоднинг умри боқийлиги ҳамиша инсон қалбини сеҳрлаб завқ бағишлаши, муҳлисларга ёд бўлиб кетган қўшиқнинг бир мисраси (“Менинг йигит, сенинг қиз вақтларинг”) воситасида жуда гўзал ифодаланган. Тўмарис, Бердақ нафаси қуйларга, қўшиқларга айланиб, чўлу биёбонларга ҳаёт бағишлагани, саҳрони ҳам гуллаб юбориши мумкинлиги ғояси банднинг мазмун-моҳиятига жуда мос тушган.. Шеърдаги қорақалпоқ муҳитига хос сўз ва ифодалар юрт нафасини, ўтмиш ва бугунини эслатади.

Яна бир мисолда замин таърифи, ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг маънавий-маърифий бирлиги, тақдирлар туташлиги, миллий поэтик образларда берилгани шеърнинг юксак фазилатидир.

*Дилда тоза ниятлар кўп, ўтганлар руҳин шод этиб,
Сўфи тўрайни сайд этиб, орзуларни сайёд этиб,
Бердақ бобом дилишод этиб, Навоийни устод этиб,
Жайхун-Сайхун тўлқинлари ошган, Оролни ёд этиб,
Дарёсига интиқу зор баҳри уммоним бор менинг.*

Чинакам миллий ифодаларга йўғрилган бошқа бир шеъридан, мана, кичик бир парча:

*Бахти тўқис Туркистонда Қўнғирот,
Айра тушмас ашамайли ё қиёт,
Уларни боғлаган меҳрли ҳаёт,
Юрти учун жонин тикканлар озми,
Қутиб ол Бўзатов Ажиниёзни»* [3:54-55].

Туркман адабиётининг йирик вакилларида бири Аҳмет Мамедов лирикасида ҳам улғу шоирларни мадҳ этиб ёзилган шеърлар анчагина.

Масалан, шоир бир шеърда Қунхўжа, Ажиниёз, Бердақларни адабиёт осмонининг ёруғ юлдузларига, баланд тоғларга, жўшқин дарёларга, шеърят бўстони-нинг хушовоз булбулларига, гиламларга тўқилган гўзал нақшларга қиёслайди.

Уч юлдиз гөрдим асманда
Гунхожа, Ажинияз, Бердак,
Гаты зор гөрдим дессанда,
Гунхожа, Ажинияз, Бердак.
Уч даг бири биринен бейик,
Алыслардан гөрүнер айык,
Яшандыр ынсаны сойып,
Гунхожа, Ажинияз, Бердак.

Халының гөзел ойдуми,
Диллериң ширин айдымы,
Ахмет Мамеддинг сөйдуги,
Гунхожа, Ажинияз, Бердак [4:190-191]

Бадий тафаккур ривожидавомида, бир томондан, ўзбек мумтоз лирикаси ва фольклор анъаналарининг, иккинчи томондан, Шарк ва Ғарб – жаҳон халқлари бадий тажрибасининг самарали таъсири ўзбек лирикасининг янгича бадий-эстетик тамойиллар асосида юксалиши учун асос яратди, замин ҳозирлади. Атоқли шоир Абдулла Орипов ўзининг “Дил кўзи” шеърида таъкидлаганидек:

Лекин удумини такрорлар башар,
Ҳар авлод ўз юкин ортмоқлаб яшар.
Армонли у йиллар бирма-бир кетди,
Энди ўзга тўлқин навбати етди [5:48].

Ўзбек шеъриятидаги поэтик шакллар ранг-баранглиги, аслида, бадий тафаккурнинг моҳиятан ҳамиша янгиланишга мойиллиги билан боғлиқдир. Бадий-эстетик тамойилларнинг янгиланиши – шеъриятнинг бевосита ижтимоий-маънавий ҳаёт билан боғлиқ тарзда доимий ўзгарувчан табиатини белгиловчи асосий хусусиятидир. Лирика жанрлари тизимининг ривожидан ранг-баранг шаклий ва услубий изланишлардан иборатлигининг сабаби ҳам энг аввало шундаки, шеърият ҳамиша ҳаётни ва инсонни янгича тушунишдан, тушунтиришдан озиқланган ҳолда тараққий этади. “Адабиётнинг онаси ҳаётдир, уни вужудга келтирадиган ҳам, озиқлантириб, вояга етказиладиган ҳам ҳаётдир” [6:336] – дейди машҳур шоирлардан бири Давид Қўлутинов. Зотан, ана шундай устувор ижтимоий-эстетик омиллар омиллар туфайли умрбоқий шеърий асарлар яратилади. Хусусан, Шухрат, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Жамол Камол ва бошқа шоирларнинг ижодий изланишларига хос фалсафий мушоҳадакорлик билан суғорилган тўртлик, саккизлик, шеърий туркумлар ва бошқа шу каби намуналар ўзбек шеъриятининг ўзига хос поэтик шаклларни қўллаш борасидаги илғор тажрибалари маҳсулидир.

Кўп асрли мумтоз шеъриятимизнинг бой адабий анъаналари ҳамда жаҳон адабиётининг ранг-баранг поэтик тажрибаларини ижодий ўзлаштириш ва новаторона давом эттириш эвазига ҳозирги ўзбек лирикасининг жанрлар тизими янги поэтик шакллар(тўртлик, саккизлик, шеърий туркум ва ҳ.к.) ҳисобига янада бойиб, серкирра бадий хусусиятлар

касб эта бошлади.

Шухратнинг қуйидаги тўртлиги бу жиҳатдан характерлидир:

Ҳаётнинг ҳайратли бир ишига боқ:
Сигиру илонга макон бир ўтлоқ.
Бир ўтдан шум илон ясайди заҳар,
Шу ўтдан сигир-чи, оппоқ сут-қаймоқ [7:179].

Шу нарса характерлики, Абдулла Орипов тўртликларидаги талқинлар тасвирида инсон ўзини ожиз ва кўнгли сўниқ, ғариб ҳис этмайди. Асло, ана шу ёлғиз асноларда ҳам инсон оламнинг сирли мўъжизаларини равшанроқ ҳис этади, ўз-ўзини ҳам теранроқ англай бошлайди.

Туғилсанг бахт билан, камол ўшади,
Тарк этсанг оламни, завол ўшади.
Охир чоғ тупроғинг устига келиб,
Кимдир ёд айласа, иқбол ўшади [8:178].

Жамол Камол саккизликларида олам мўъжизаси ҳисобланган инсон – беназир хилқат, ҳаёт – буюк муаллим, тириклик эса бир умрлик сабоқдир, деган бадий-фалсафий концепция устуворлик қилади. Шоир саккизликлари ана шу бош ғоянинг рангин кирраларини ёритишга қаратилган бўлиб, унинг поэтик образлари ўзининг бадий-эстетик моҳиятига кўра, тириклик ҳикматини англатувчи маъноларни ифодалашга хизмат қилган.

– Ажаб дарё кўрдим, сувга лиммо-лим,
Шарқираб оқолмас, ёқолмас чироқ.
– Дунё – дарсхонадир, ҳаёт – муаллим,
Кўрган-билганларинг барчаси – сабоқ.
– Ажаб доно кўрдим, донги зўр олим.
Оқил бўлмадим деб, чекади фироқ.
– Дунё дарсхонадир, ҳаёт – муаллим,
Кўрган-билганларинг барчаси сабоқ.
Кўрган-билганларинг барчаси сабоқ [9:19].

Жаҳон адабиёти тажрибаларида кузатилганидек, Навоий лирикаси, Ғазаллар, Бобур рубоийлари, Петрарка ва Шекспир сонетлари, Байроннинг ўнлик шаклига қурилган поэмалари, Умар Хайём, Пахлавон Маҳмуд, Бедил рубоийлари, Рудакий фардлари ва бошқа шу каби бадият дурдоналарининг поэтик ўзига хослигини ва уларнинг кейинги давр ижодкорларига баракали таъсирини ҳам кўп бора таъкидлаймиз.

Дарҳақиқат, адабиётларнинг ўзаро алоқадорлиги ва бир-бирига таъсири бадий ижод тараққиётининг муҳим бир омили бўлиб, у энг аввало, ижодий характерда, яъни новаторна бўлган тақдирдагина ижобий самара бериши мумкинлиги сўз санъати тарихидан яхши маълум.

Хулоса қилиб айтганда, жаҳон адабиёти тараққиётига ҳисса қўшган ва ҳозирги кунда ҳам сермахсул ижод қилаётган барча шоирларнинг асарларида илгари сурилган ғояларни тарғиб қилиш бугунги куннинг асосий устувор вазифаларидан биридир.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустақкам пойдевори. / “Халқ сўзи”. – Тошкент: 2017, 4-август.
2. Курамбоев К. Адабий жараён ижод масъулияти адабий алоқалар. –Тошкент: “Чўлпон”, 2009, 93-94-б.
3. Курамбоев К., Курамбоева Г. Гул бор Гулистон ичинда. –Тошкент: «Ўзбекистон» 2016, 54-55-б.
4. Курамбоев К. Адабий жараён ижод масъулияти адабий алоқалар. –Тошкент: «Чўлпон», 2009. 456-б.
5. Орипов А. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. 2-жилд. Шеърлар ва дostonлар. –Тошкент: Адабиёт ва санъат. 2000.
6. Советские писатели. Автобиографии Давид Кугилтинов. Т 4. –М.: 1972. –С. 336.
7. Шухрат. Лирика. –Тошкент: //«Адабиёт ва санъат». 1973. 179-б.
8. Орипов А. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. 2-жилд. Шеърлар ва дostonлар. –Тошкент: // «Адабиёт ва санъат». 2001.
9. Жамол Камол. Тафаккур. Шеърлар. –Тошкент: «Ёш гвардия». 1979. 19-б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада адабиётларнинг ўзаро алоқадорлиги ва бир-бирига таъсири бадий ижод тараққиётининг муҳим бир омили бўлиб, у энг аввало, ижодий характерда, яъни новаторона бўлган тақдирдагина ижобий самара бериши мумкинлиги ҳақидаги фикрлар берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье утверждается, что взаимосвязанность и взаимодействие литературы является важным фактором развития художественного творчества, которое может иметь положительный эффект только в том случае, если оно

носит преимущественно творческий характер, то есть новаторский.

SUMMARY

The article argues that the interconnectedness and interaction of literature is an important factor in the development of artistic creativity, which can have a positive effect only if it is predominantly creative, that is, innovative.

НАЗАР ЭШОНҚУЛНИНГ «ГҶР ҶҒЛИ ЁХУД ХАЁТ СУВИ» РОМАНИ БАДИЙ ТАЛҚИНИ

К.Алламбергенов – *филология фанлари доктори, профессор*

Х.Алламбергенов – *филология фанлари бўйича фалсафа доктори*

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: романтизм, реализм, маърифатпарварлик, модернизм, окимлар ва ёндашувлар, замонавий узбек адабиёти.

Ключевые слова: романтизм, реализм, просвещение, модернизм, течение и подходы, современная узбекская литература.

Key words: romanticism, realism, enlighten, modernism, movements approaches, modern Uzbek literature.

Адабиёт майдони доимий янгилашиб боровчи жараёндир. Бу жараёнда янги куртаклар бўртиб боради – турли асарлар яратилади, янги бутоклар – адабиётлар, йўналишлар пайдо бўлади. Ўзбек адабиёти ҳам асрлар мобайнида турфа йўналиш ва шакллар билан бойиб борди. Романтик, реалистик, маърифатпарварлик ҳамда модерн йўналиш ва окимлардаги бадий адабиёт дурдоналари билан гавҳару дур мисоли безалди. Замонавий ўзбек адабиётига эса янгича рамзий-фалсафий талкин ҳам кириб келди. Назар Эшонқулнинг «Гўр ўғли ёхуд ҳаёт суви» романи ҳам мана шундай типдаги асарлар қаторига киришиш мумкин.

Адабиётшунос олим И.Ёкубов «Бадий-эстетик сўз сеҳри» тадқиқотида шундай ёзган эди: «Роман жанри тасвир кўламининг кенглиги, халқ ҳаётининг муайян даврини ҳар томонлама таҳлил эта олиш имкониятига эгаллиги, мураккаб характерлар, инсоний тақдирларни ифода этишга қодирлиги жиҳатидан ҳар қандай давр ва миллат адабиётининг қиёфасини белгилайди. Бугунги ўзбек романчилигидаги шаклий-услубий ва ифодавий изланишларга назар солинса, жанр таракқиетида теран ички силжишлар содир бўлаётганлиги кўринади. Бу ҳол ҳаётий ҳодисалар ҳақидаги фикр салмоғининг ортишига, инсоний туйғулар ифодасига эътиборнинг кучайишига олиб келади» [2:123]. Дарҳақиқат, Назар Эшонқулнинг «Гўр ўғли ёхуд ҳаёт суви» романида янгича ифода услубини кузатамиз. Муаллиф XX аср охири ва XXI аср бошлари ўзбек насрида ўзига хос баён услуби ва оҳангига эга ижодкорлардан бири. Асарда мавжуд муҳитнинг чиркин ботқоғи таъсирида ўз қобиғидан чиқиб кета олмаган қаҳрамон тақдирдан ҳикоя қилинади.

Жаҳон адабиёти ривож таомилларини ҳам ўзида намоён эта олган ушбу асарда мавжуд тузум тартиботларида ҳаёти издан чиққан қаҳрамон мисолида мавжуд муҳитнинг маънавиятдан йироқ бўлган, охири кўринмайдиган жиҳатлари, теварак-атрофдаги инсонларнинг ички ва ташқи қиёфаси, айрим идоралардаги мазмунсиз қоғозбозликлар ва унинг аянчли оқибати ёзувчининг ўзига хос рамзий-фалсафий ва психологик таҳлил маҳорати орқали бадий талкин этилган.

Асарда қаҳрамонлар исмларининг факат бош харфларда ифодаланиши тасвирида ҳам жаҳон адабиётида худди шу йўналишдаги ижод намуналари таъсирини сезиш мумкин. Хусусан, Франц Кафканинг «Жараён» романи шулар жумласидандир. Назар Эшонқул романида бош қаҳрамон Н. ўз тақдири учун кураш олиб борса, Кафка романида мавжуд жараёнга қарши боришга ожиз бўлган бош қаҳрамон Йозеф К. тақдири ҳикоя қилинади.

«Гўр ўғли ёхуд ҳаёт суви» романи Н.нинг янги лавозимга тавсия қилиниш тасвири билан бошланган. У ўз соҳасининг устаси, ишини севган мутахассис. Раҳбарларнинг энг нозик ҳужжатларини тайёрлайдиган, маърузаларини ҳам ёзиб берадиган иқтидорли ходим. Романда турли хилдаги инсонларнинг турфа характерлари, руҳияти маҳорат билан намойиш этилган. Ҳар бир идорада ишловчи энг паст одамлар: лаганбардорлар ва ўша лаганбардорлиги орқасида

раҳбарлардан «мехр-мурувват» кутадиган шахслар образи ҳам бор бўй-басти билан реал аксини топган. Буни роман бош қаҳрамонининг лавозими ошганини эшитган ҳамкасблар хатти-ҳаракатидан ҳам англаш мумкин: «Раҳбар ҳар куни ҳам, ҳар кимни ҳам қабул қилавермайди, навбатсиз оҳорланиб-тартибланишиниғиз мумкин, бизга ҳали йўл бўлсин, – иккаласи ҳам Н.ни ўтиргизишга жой тополмасди. Ҳатто биттаси курсини энги билан артиб, унга Н.ни таклиф қилди» [1:3].

Шунингдек, уни бошлиқнинг хонасига чақиришганини эшитган сартарош ҳам унга лаганбардорлик қилади. Ҳатто бундан хабар топган айрим ходимлар ундан олдин сартарошхонага келиб, у билан гаплашишга, унга ёкишга ҳаракат қиладилар. Қабулхонада ҳам (ақлга сиғмас даражада) эшик тирқишидан бир қанча одамлар бу ишнинг охири нима билан тугашини кутиб пойлайдилар. Мантққа зид равишда унинг ойна олдида турганини кўрган ва кўчадан ўтиб кетаётган одамлар ҳам бу масала хусусида суҳбатлашадилар.

Ҳақиқатдан ҳам, Н. атрофини, унинг ишлаётган корхонасини ҳам виждон ва одамийликдан узоқ бўлган одамлар ўраб олган. Чунки тасвирланаётган муҳит ўтган асрнинг мустабид тузум даврида кечаётганини ҳисобга олсак, ўша муҳитга айнан мана шундай кимсаларгина керак эди, холос. Жумладан, уни раҳбар қабулига чақиришганини эшитган хонадош ҳамкасби ҳам ўзини эмас, нега айнан Н.ни чақиришганини сира қабул қила олмайди. Аммо у зоҳири ва ботини мутлақо бир-бирига мутаносиб бўлмаган кишилар сирасидан. Буни унинг ичида ҳасади келаётган бўлса ҳам, билдирмасликка, аксинча, ўзини Н.га яқинроқ кўрсатишга уринишдан билиш мумкин: «Ичингизда дуо ўқиб олинг, деди унинг бироз бесаранжом бўлаётганини сезган хонадоши. Унинг ичиндан ҳасад қилаётгани билиниб турарди, лекин аини пайтда Н.га ўзини жуда яқин олиб, эски кадрдонлардек тутатган эди» [1:5].

Ёзувчининг ҳаёт ҳодисаларини асарда чуқур ёрита олгани ўз ишига масъулият билан қарамайдиган, қўл остидаги ходимларининг ижтимоий, маиший турмушдан беҳабар айрим раҳбарликдаги одамлар шахсини ҳам маҳорат билан ёрита олганида ҳам намоён бўлади. Буни идорада ишловчи одамларнинг йиллаб раҳбарлари қабулига кирмаганликлари сабабли Н.га ўз илтимосларини етказишларини сўраб, унга қилган муносабатларида кузатиш мумкин.

Ўз ҳаётини йўлга қўйиш ва ҳам ҳаёти издан чиққан бир жувонни бахтли қилиш мақсадида унинг уйига борган Н. тасодифан газетада ўзининг ўлгани ҳақидаги мақолани ўқиб қолади. Эртасига ишга борганида ҳам барча ҳамкасблар уни арвоҳни кутиб олгандек қабул қилишади. Н.нинг ўзининг тирикчилигини исботлаш учун қилган барча ҳаракатлари беқор кетади. Ҳеч ким унга ишонмайди. Ҳамкасблари билан ўзини кўмиш учун қабристонга автобусда бирга боради. Қабр олдида умрида Н. билан бирор марта гаплашмаган раҳбарларнинг унинг одамийлиги, боодоблиги ҳақида гапирган нутқлари муаллифнинг асарда тасвирланаётган замон кишиларининг ва умуман,